



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК




Маърузачи: PhD Д.
Каландарова





**Ўзбекистондаги
этник
бағрикенгликнинг
тарихий асослари**



**Аждодларимиз
асарларида
ижтимоий
бағрикенглик
талқинлари**



**Ўзбекистонда этник
ва
ижтимоий
бағрикенгликнинг
қонуний асослари**



**Хулоса
Уй вазифаси**




Дарсинг мақсад ва вазифалари:

*Ўзбекистон-
даги бағрикенг-
ликнинг
тарихий
асослари
хақида
маълумот
бериш*


*Аждодларимиз
асарларида
ижтимоий
бағрикенглик
талқинлари билан
талабаларни
таништириш*

*Ўзбекистонда
этник ва
ижтимоий
бағрикенглик-
нинг қонуний
асослари хақида
маълумот бериш*





Таянч сўз ва иборалар:



*Бағрикенглик, Авеста, Буюк инак йўли,
Уйғониш даври, илм-маърифат, Форобий,
Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, тасаввуф,
Чор Россияси, жадидчилик, Бехбудий, II
жаҳон уруши, Шоаҳмедовлар оиласи,
байналминал, конфессия, миллатлараро
тотувлик, Конституция*



□ Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари асосан уч тамойилга асосан амалга оширилади:

1. Диний бағрикенглик
2. Миллатлараро тотувлик
3. Виждон эркинлиги

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, унинг асосида энг аввало диннинг давлатдан ажратилиши тамойили асосида амалга оширилади. Бу ҳақида Конституциянинг

61-моддасида :

“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”.

Шунингдек, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар.

Бугунги кунда республикамызда 16 та ноисломий конфессияга мансуб ташкилотлар эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Миллатлараро муносабатлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Миллий маданий марказлар ҳамкорлигида диний бағрикенгликка бағишланган тадбирлар экспертлар, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари, диний конфессиялар, миллий маданий марказлар раҳбарлари иштирокида мунтазам ўтказиб келинмоқда.
- Зеро, бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юртимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар, балки заминимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади.
- Бу, аynи пайтда Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ислоҳотларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний вазифаларга қаратаётгани юксак эътиборининг намунаси десак муболаға бўлмайди

Ўзбекистондаги этник ва ижтимоий бағрикенгликнинг тарихий илдизлари хақида:



Юртимиз ҳудуди минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми саналганлиги;

Юртимиз ҳудудида савдо-сотиқ, илм-фан, маданият марказлари мавжуд бўлиб, фаолият олиб борилганлиги;

Халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакилларига ҳурмат туйғулари юксаклиги;

Ўлкамизда турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланган.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир.



Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар олиб боргани маҳаллий халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.



Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ҳам ташкил этади.

ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭТНИК ВА ИЖТИМОИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ:



ҚАДИМДАН ШАКЛЛАНГАН МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК
ТАЖРИБАСИ;



ЎРТА ОСИЁДАГИ СИЁСИЙ БАҒҚАРОРЛИК;



РИВОЖЛАНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАДАНИЯТИ;



БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ
ТАЖРИБА АЛМАШУВИ;



ЮКСАК МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ МАВЖУДЛИГИ;



ҲУКМДОРЛАРНИНГ ИЛМ-ФАН, САНЪАТ, МАДАНИЯТ ВА
ТУРЛИ ДИН ВАКИЛЛАРИГА ҲОМИЙЛИГИ ВА
РАҲНАМОЛИГИ;



Зардуштийликда бағрикенглик тамойиллари...



**Тинчлик ва тотувлик, ижтимоий
ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи
устувор бўлган эллар Тангри
томонидан олқишланади;**

**Бу ўлкалар муқаррар гуллаб-
яшнайдди, деб тавсифланган.**



Аждодларимиз асарларида ижтимоий бағрикенгликнинг талқинлари




*Зийраклик – уйғоқлик бу, эл иши деб,
Дилда мангу қолмоқ, элнинг гамин еб.*


*Кишилар яхшиси шундай бўлади,
Эзгу халқ мушкулун осон қилади.*

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ





Шарқда “Муаллими соний” (Иккинчи муаллим) номини олган Абу Наср Форобий (873-950) ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида фаровон жамиятда кишилар қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини баён этган:



Ўзаро тотувлик ва
ҳамжиҳатлик руҳи
устуворлиги - фозил
шаҳарларнинг муҳим
белгисидир

Шаҳарларнинг гуллаб
яшнаши, фаровонлиги ва
бахт-саодат тантанасининг
заминидир

Ўзаро кўмак, меҳр-
мурувватнинг
йўқлиги ҳамда
фитна, фиску
фужур ҳукмрон
лиги - жоҳил
шаҳарларнинг
асосий хусусияти

**“Фозил
одамлар
шаҳри”**


*“Одамларга
нисбатан уларни
бирлаштирувчи
асос
инсонийликдир,
шунинг учун ҳам,
одамлар инсоният
туркумига
бирлашганликлари
туфайли ўзаро
тинчликда
яшамоқлари
лозим”*

Ижтимоий ҳамкорлик -
жамият тараққиётини
таъминловчи омил




Ҳар бир ўлка ва шаҳар
аҳолисининг ашроф -
улуғлари ва бузурглари
билан ошно тутиндим.
Уларнинг миждозларига,
табиатига тўғри келган,
ўзлари тилаган
одамларини уларга
ҳоким қилиб
тайинладим.

АМИР ТЕМУР



Салтанат ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргизган буюк аждодимиз Амир Темур фаолиятида эса ижтимоий бағрикенглик ғоя ва амалиёт бирлиги сифатида намоён бўлганини кўриш мумкин.

Сохибқирон ҳаёти давомида, биринчидан, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга уни қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин, ўз иши билан шуғулланишга қурби етмай қолган деҳқонларга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб, уй-иморати бузилиб, тузата олмаётган фуқароларга керакли ускуналарни етказиб бериш зарурлигини ҳамда бундай ҳаракатларнинг ижтимоий фаровонлик ва тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда фаолият олиб борган.



Амир Темурнинг бағрикенглик сиёсатининг асоси...

турли мамлакатлар билан бўлган муомалада холислик билан иш тутиб, жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат ва ҳамкорлик руҳи устувор бўлган.



Франция қироли
КАРЛ VI
(1380-1422)



Англия қироли
ГЕНРИХ IV
(1399-1413)



Кастилия ва
Леон қироли
ГЕНРИХ III
(1390-1407)



**Мамлакатимизда этник турфалик ва
кўп миллатлилик ривожининг сиёсий –
ижтимоий омиллари:**



Чоризм истибдоди ва Шўро империяси даврида юртимизга турли миллат вакиллари кўплаб кўчириб олиб келинган.



XX асрнинг бошида Чор маъмурияти Туркистонга 750 мингга яқин рус крестьянлари, казаклар ва шаҳар камбағалларини кўчириб келтириб жойлаштирган.





Илм ва ҳунарсиз
халқнинг бойлиги, ери,
асбоби кундан-кун
қўлдан кетганидек,
ахлоқ ва обрўйи, ҳатто
дини ҳам заиф бўлур.
БЕҲБУДИЙ



Маърифат соҳиби
бўлмак учун аҳволи
оламдан хабардор
бўлмак керак.
АВЛОНИЙ



**II жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга келтирилган
етим болаларга ўзбек халқи бағрикенглик билан
мурувват кўрсатди.**



Из семейного архива Шамахмудовых. 1944 год.



Мустақилликка эришган Ўзбекистон тарихий анъаналарга содиқ қолмоқда!

Сиёсий соҳада:

Этнослараро
тотувлик ва
бағрикенглик
жамиятни ислоҳ
этишининг муҳим
ресурси
ҳисобланади;

Ижтимоий соҳада:

Этник
гуруҳларнинг янги
мазмундаги
иқтисодий ҳаёт,
хўжалик юритиш
шакллари ҳамда
ижтимоий
демократияни
қарор топтиришда
тенглиги
таъминланди;

Маънавий соҳада:

Юртимизда
ҳамиша ижтимоий
ҳамкорлик руҳи ва
этник
бағрикенгликни
тарғиб этувчи
қадриятлар
устувор саналади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ижтимоий бағрикенгликнинг сиёсий-ҳуқуқий тамойиллари:



– инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади



- барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар



- ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар



- ҳар бир шахс мулкдор бўлишга, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлашга ҳақлидир

Ўзбекистонда этник ва ижтимоий бағрикенгликнинг қонуний асослари:

1. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги;

2. Инсон қадр-қимматини камситувчи ҳатти-ҳаракатлар, ижтимоий адоватни тарғиб қилувчи сиёсий партиялар тузилиши ва фаолияти тақиқланиши;

3. Конституциямизда социал тоқатсизлик ва мурасасизликнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилганлиги;

4. Ижтимоий қатламлараро тафовутларнинг кескин чуқурлашиб кетишига йўл қўйилмаслиги;



Бағрикенгликнинг ижтимоий тамойиллари

таъминланганлик даражаси:



1. Турли ижтимоий қатламлар, динлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш ва жамиятдаги барқарорлик ва тараққиёт учун йўл очади.



2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятда ижтимоий бағрикенглик муҳитини қарор топтиришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ижтимоий-сиёсий беқарорлик ва бошбошдоқлик, миллий парокандалик ва таназзулни келтириб чиқаради.



Кўп миллатли мамлакатда 16 та конфессия ислом дини билан баробар фаолият кўрсатмоқда

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамиятда ижтимоий бағрикенглик муҳитини қарор топтиришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар ўз ифодасини топган. Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи йўлида биргаликда астойдил меҳнат қилмоқдалар.



ХУЛОСА

Ўзбекистон - турли миллат ва элат вакилларининг умумий уйидир!

Бағрикенглик бу - буюк бойлик ва тараққиётнинг муҳим манбаидир. Турли йўналишларда “чегараларимизни очилаётгани” ҳамда этнослараро бағрикенглик туфайли жаҳон ҳамжамиятининг бизга нисбатан ҳурмати ва ишончининг ортиб бораётганидан далолатдир.



Турли тил ва маданиятларни билиш, этник ва лисоний бағрикенглик, ўзгалар борлиғи ва дунёқарашининг ижобий жиҳатларини ўзига қабул қила олиш хусусияти жамиятга янги ғоялар ва янги ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг кириб келишига имконият яратали.

УЙ ВАЗИФАСИ: жавобларингизни бизнинг эл. манзилимизга йўлланг



Фаробий асарларида ижтимоий адолатли жамият асосларини ўрганиб, ўз фикрларингизни баён қилинг.




Амир Темурнинг жамиятни адолатли бошқариш тамойиллари акс этган “Темур тузуклари”дан намуналар келтиринг.



«Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оламдан хабардор бўлмак керак». Ушбу сўзлар муаллифи ҳақида маълумотлар тўпланг.



Мустақил таълим учун топшириқлар:



1. «Темур тузукларида давлат ва дин масалалари» мавзусида реферат тайёрланг.



2. Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарини ўқиб эссе ёзинг.



3. «Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек халқи бағрикенглик тимсоли» мавзусида тақдимот тайёрланг.



▲ табиётпар.

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд – Т., 2017. – 592 бет .
2. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – 488 бет .
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 26 январь.
4. Мирзиёев Ш.М. 2020 йил 23 сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2020 йил 24 декабрь.
 - 5. Дунё динлари тарихи / Тузувчилар: С. Агзамходжаев, Д. Раҳимжонов, Н.Муҳамедов ва б. –Т.: ТДШИ,2011.–262 б.
 - 6. Абу Райхон Беруний: Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар. - Тошкент : Мехнат, 1968 . - 566 б.



- 7. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
- 8. Авеста. Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: “Тошкент шарқшунослик институти” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2001. – 126 б.
- 9. Ёвқочев Ш. Ўзбекистон – бағрикенг диёр / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. - Тошкент : Ўзбекистон, 2007. - 280; б. - ИСБН 9789943010260.
- 10. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Масъул муҳаррирлар К.Комилов, А.Мансуров. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2014. – 552 б.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!**

